

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА
ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

334 Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
2 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2251*

(2011 йил 12 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 370-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1529-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 22-23-сон, 224-модда) асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 1-2-сон, 7-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида»ги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис

Б. ТЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 1 июль,
3-мб-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2011 йил 1 июлдаги 3-мб-сон қарорига
ИЛОВА

**Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг
марказлаштирилган маълумотлар базасининг
ишлаш тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 370-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сон «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 22-23-сон, 224-модда) асосан, таъсисчилар ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг электрон буюртмасига кўра, Интернет тармоғи орқали фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захира қилиб қўйиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Йўриқномада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш — рўйхатга олиш учун қулай фирма номи тўғрисидаги ёзувни Интернет тармоғи орқали фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига киритиш ва уни кўриш учун ягона логин (ID рақам) ва пароль ҳақида электрон хабарни олиш;

рўйхатга олиш учун қулай фирма номи (бундан буён матнда қулай фирма номи деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси талабларига мос келадиган ном;

фирма номи — юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг (бундан буён матнда юридик шахс деб юритилади) индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади;

фирма номини электрон захирага олиш тизими (бундан буён матнда захирага олиш тизими деб юритилади) — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти орқали электрон талабнома асосида сўралган фирма номларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш, фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номини вақтинча сақлаш, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органларнинг масъул ходимлари учун захирага олиш тизимининг «Регистратор» бўлимига кириш ҳуқуқини берувчи тизим;

электрон талабнома — Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш учун захирага олиш тизимига мурожаат қилиш.

2. Таъсисчининг танловига кўра Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш қўйидагича амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтига бевосита мурожаат қилиш йўли билан;

тегишли рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилиш йўли билан.

Овзаки мурожаат, электрон талабномани қабул қилиш ва қулай фирма номларини захирага олиш учун тўлов ундирилмайди.

3. Юридик шахсларнинг Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш уни рўйхатдан ўтганлигини тасдиқламайди. Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати захирага олиш санасидан бошлаб 60 кунни ташкил қилади.

Илгари Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилган юридик шахслар номлари ёки захирага олинган қулай фирма номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар мавжуд бўлган фирма номлари, шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддаси талабларига зид бўлган фирма номлари захирага олинмайди.

II. Захирага олиш тизимидан фойдаланиш

4. Захирага олиш тизимидан фойдаланишни қўйидагилар амалга оширадилар:

таъсисчи (юридик ёки жисмоний шахс) ёки у вакил қилган шахс (бундан буён матнда электрон талабнома берувчи деб юритилади) — Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш учун электрон талабнома беришда;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси — захирага олиш тизимининг ишлашини ва ўзининг расмий сайти орқали унга кириш ҳуқуқини таъминлашда;

рўйхатдан ўтказувчи органлар — қулай фирма номи билан юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш (юридик шахсларнинг давлат реестрига киритиш) учун Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш ёки таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фирма номини захирага олинган қулай фирма номи билан солиштиришни амалга оширишда.

5. Электрон талабнома берувчи томонидан мустақил равишда Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтига бевосита мурожаат этиш ва тегишли рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилиш орқали электрон талабнома тўлдириш йўли билан амалга оширилади.

6. Захирага олиш тизими орқали электрон талабномани қабул қилишда қўйидагилар талаб қилинади:

электрон талабнома берувчининг мажбурий реквизитларини тўлиқ тўлдириш;

рўйхатга олинаётган юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатмасдан, фирма номларида лотин алфавитини қўллаш;

сайтда автоматик тарзда рўйхатдан ўтказишдан ҳимоя қилиш учун захирага олиш тизимида ҳарfli код қўллаш.

7. Электрон талабноманинг мажбурий реквизитлари қуйидагилар ҳисобланади:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтиши мўлжалланаётган ҳудуди (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри);

электрон талабнома берувчи жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами;

электрон талабнома берувчи юридик шахслар учун — номи ва СТИР коди.

Электрон талабноманинг бошқа маълумотлари мажбурий хусусиятга эга эмас.

8. Электрон талабномага битта асосий ва муҳимлиги бўйича жойлашган тўрттагача қўшимча фирма номлари киритилиши мумкин. Биринчи захирага олиниши мумкин бўлган қулай фирма номи аниқлангандан сўнг, қолган қўшимча фирма номлари захирага олиш тизими томонидан кўриб чиқилмайди.

Агар электрон талабнома берувчи электрон талабномани рад этиш тўғрисидаги хабарномани олган бўлса, захирага олиш тизимидан чиқмаган ҳолда янги фирма номлари кўрсатилган электрон талабномани қайтадан тўлдириши мумкин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастурий-техник воситалари қуйидагиларни таъминлайди:

электрон талабномани қабул қилиш ёки илгари рўйхатга олинган ёки захирага олинган қулай фирма номлари билан бир хил фирма номларини рад этиш;

республика бўйича фирма номи адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган бошқа юридик шахсларнинг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги)ни текшириш;

фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига қулай фирма номи тўғрисида тегишли ёзувни киритиш;

қоғоз нусхасини чиқариш имкониятини берган ҳолда, рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими томонидан қулай фирма номи текширилганини электрон тасдиқлаш.

10. Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш учун электрон талабномани олгач, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг масъул ходимлари фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 8 иш соатидан ошмаган муддатда қулай фирма номини олиш бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширишлари шарт.

11. Электрон талабнома берувчи томонидан Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш натижаларини кўриш, захирага олиш тизими-

да берилган ягона логин ва паролдан фойдаланган ҳолда, электрон талабно-ма натижасини кўриб чиқиш учун 8 иш соатидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг расмий сайтига мурожаат қилиш йўли билан амалга оширилади.

12. Электрон талабнома берувчи қулай фирма номини Интернет тармоғи орқали захирага олишни тасдиқлаш учун керак бўлган ягона логин ва паролни давлат рўйхатидан ўтиш тўғрисидаги ариза (ариза-хабарнома)нинг «ариза (ариза-хабарнома)га қўшимча равишда илова қилинадиган ҳужжатлар» сатрида кўрсатади.

13. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими Давлат рўйхатидан ўтиш тўғрисидаги ариза (ариза-хабарнома)ни олгандан сўнг, захирага олиш тизимининг «Регистратор» бўлимига ягона логин ва паролдан фойдаланган ҳолда мурожаат қилади ва:

захирага олиш тизимига электрон талабнома берувчининг ягона логинини киритади ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган фирма номини Интернет тармоғи орқали захирага олинган фирма номи билан солиштиради (бундан буён матнда захирага олиш текшируви деб юритилади);

захирага олиш текшируви ўтказилганлигини электрон тасдиқлаш бўйича керакли ишларни амалга оширади;

захирага олиш текширувини тасдиқланишининг қоғоздаги нусхасини мазкур Йўриқноманинг 1-иловасидаги шаклга мувофиқ тўлдиради, шахсий имзоси билан тасдиқлайди ва ариза (ариза-хабарнома)га қўшиб қўяди.

14. Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш учун таъсисчи, рўйхатга олиннадиган юридик шахснинг мўлжалланган почта манзили жойлашган ҳудуддаги рўйхатдан ўтказувчи органга Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш учун керак бўлган мажбурий реквизитларни хабар қилган ҳолда овзаки мурожаат қилиши мумкин.

15. Таъсисчилар овзаки мурожаат этган ҳолларда, рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходимлари бир соат мобайнида мазкур Йўриқноманинг 6, 7 ва 8-бандларида белгиланган талабларни инобатга олган ҳолда Интернет тармоғи орқали, таъсисчи номидан электрон талабномани расмийлаштиришлари лозим.

16. 8 иш соатидан сўнг, рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими захирага олиш тизимидан олинган ягона логин ва паролдан фойдаланган ҳолда, ушбу электрон талабнома натижасини кўриб чиқади ва таъсисчига хабар қилади.

17. Электрон талабномада сўралган фирма номларидан бири захирага олиш тизимида захирага олинганда ва ундан фойдаланиш учун таъсисчининг розилиги бўлган ҳолда, рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходими томонидан фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номини келгусида сақлаш мақсадида, мазкур Йўриқноманинг 13-бандида кўрсатилган ҳаракатлар амалга оширилади.

Интернет тармоғи орқали захирага олинган қулай фирма номи таъсис ҳужжатларига, муҳр ва штамп эскизларига қўйиб чиқилади.

**III. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг масъул ходимлари
томонидан захирага олиш тизимининг «Регистратор»
бўлимига кириш ҳуқуқини олиш ва бекор қилиш**

18. Захирага олиш тизимининг «Регистратор» бўлимига кириш ҳуқуқини олиш учун мазкур Йўриқноманинг 2-илоvasида кўрсатилган шакл бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари — тегишли туман (шаҳар) статистика бўлимига, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасига расмий сўровнома юборади.

19. Давлат статистика органлари рўйхатдан ўтказувчи органнинг ҳар бир ходимига бир кун муддатда ягона логин ва паролни рўйхатга олинишни ҳамда уларнинг захирага олиш тизимининг «Регистратор» бўлимига кириш ҳуқуқини таъминлайди ва расмий равишда рўйхатдан ўтказувчи органга хабар беради.

20. Рўйхатдан ўтказувчи орган ходими захирага олиш тизимининг «Регистратор» бўлимига мурожаат қилиш учун кириш ҳуқуқини берувчи ягона логин ва паролни қўйидаги мақсадларда ишлатади:

захирага олиш текширувида;

захирага олиш текшируви ўтказилганлигини электрон тасдиқлаш ва тегишли қоғоз нусхасини тўлдиришда.

21. Агар захирага олиш тизимининг «Регистратор» бўлимига кириш ҳуқуқига эга бўлган рўйхатдан ўтказувчи орган ходими лавозимидан озод этилса ёки бошқа ишга ўтса, рўйхатдан ўтказувчи орган бир кун муддатда бу ҳақда, кириш ҳуқуқини бекор қилишни таъминлаш мақсадида тегишли давлат статистика органига хабар беради.

Давлат статистика органлари кириш ҳуқуқини бекор қилиш бўйича бир кун муддатда тегишли ҳаракатларни амалга оширади.

22. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ва давлат статистика органлари ходимлари ўзларига маълум бўлган логин ва паролларни учинчи шахсларга ошкор қилмасликлари шарт.

IV. Яқуний қоидалар

23. Ушбу Йўриқнома бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

24. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилди.

*Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
бош директори*

Х. МУХИТДИНОВ

2011 йил 1 июль

Электрон захирага олиш тизими ва
фирма номларининг марказлаштирилган
маълумотлар базасининг ишлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

(электрон талабнома берувчи)

20__ йил «__» _____ даги _____ -сонли
(ID ракам)

ФИРМА НОМИНИ ЗАХИРАГА ОЛИНИШИ ТАСДИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар яЗгона давлат регистрида 20__ йил
______ ҳолатига,

(захирага олинган фирма номи)

фирма номи фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида
захирага олинди.

Захирага олинган фирма номининг амал қилиш муддати
20__ йил _____ гача.

Фирма номини захирага
олишни текширишдан
ўтказди:

(имзо)

(рўйхатдан ўтказувчи орган масъул ходимининг Ф.И.О.)

Электрон захирага олиш тизими ва
фирма номларининг марказлаштирилган
маълумотлар базасининг ишлаш тартиби
тўғрисида йўриқномага
2-ИЛОВА

_____ (статистика органи номи)

КИРИШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН СЎРОВНОМА

Сиздан _____ қуйидаги ходимларига
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

фирма номларини захирага олиш тизимининг «Регистратор» бўлимига кириш ҳуқуқини беришингизни сўраймиз:

1. _____
(Ф.И.О.)

Паспорт серияси ва рақами: _____

Логин: _____

2. _____
(Ф.И.О.)

Паспорт серияси ва рақами: _____

Логин: _____

3.

Юқорида кўрсатилган ходимлар лавозимдан озод этилган ёки бошқа ишга ўтган тақдирда, кириш ҳуқуқини бекор қилишни таъминлаш мақсадида, бир кун муддатда давлат статистика органига бу ҳақда маълумот тақдим этилади.

_____ раҳбари _____
(рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи) М.Ў. (имзо) (Ф.И.О.)

Рўйхатдан ўтказувчи органнинг
электрон почтаси (E-mail): _____

Мурожаат учун телефонлар:
(халқаро форматда) _____